**ШАРҲ:** Хоразм ПХҚТМОИ томнидан тақдим қилинган ушбу маъруза катта укитувчи Ш.Тожиева томонидан шилаб чиқилган бўлиб, таълим жараёни псижологияси ва ўқув фаолиятини бошқаришга бағишланади. 6 қисмдан иборат маъруза режасида аудитория билан ишлашнинг ижтимолий шартлари, .фаол укитиш методлари ва уларни ташкил этиш борасида мулоҳозалар ўртага ташланади.

**Ш.ТОЖИЕВА**

**Мавзу: ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ПСИХОЛОГИЯСИ. УКУВ ФАОЛИЯТИ БОШҚАРИШ.**

Мавзунинг долзарблиги: Узбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Миллий истиклол мафкурасини шакллантириш ишининг хаётий зарурати ва долзарблиги хакида гапирар эканлар “Инсон шахсини психологиясини,юксак маънавий фазилатларини камол топтириш миллий истиклол мафкурасини шакллантириш ёш авлодни бой маданий меросимиз ъамда тарихий кадриятларимизга хурмат-эътибор мустакил ватанимизга мехр-муваббат рухида тарбиялаш талаблари олдимизга мувим вазифаларни куймокда” деб таъкидлайдилар. Мавзу юкоридаги фикрларга асосланиб ёшларни тарбиялаш ва уларга замон талаблари асосида билим бериш учун укитувчилар олдига катта талаблар куяди.Замонвий укитувчи олдига куйиладиган энг мухим вазифалардан бири,мутахассис сифатида уз кобилиятларини дарс жараёнида укувчиларга тугри таксимлай олишдир.Ушбу маъруза матни укитувчиларга психологик билимлар асосларигина эмас,таълимни бугунги кундаги максад ва вазифаларини англашда ъам ёрдам беради.

**Мавзунинг максади:** Тингловчиларда таълим жараёнини такомиллаштириш укувчиларга таълим стандартлари асосида билим,куникма ва малакалар беришни таъминлаш ислохатларнинг бош максади эканлигини курсатиш.Таълимнинг янги усуллари билан таништириш ва уларни куллашда укувчиларни ёш хусусиятларини,ривожланишини,уларда психологик жараёнларини шаклланишини хисобга олишга эътибор бериш.

**Кутиладиган натижа**:

-таълим жараёнида янги ахборот ва педагогик жараёнларини,педагогик техналогияларни самарали куллай олиш:

-ильор педагогик техналогияларни педагогик фаолиятлардла кулашга ургатиш оркали укитувчиларнинг касб маъорталарини ошириш;

-укитувчиларнинг уз укувчиларини фикрлаш кобилиятларини устиришга ундаш;

-узлаштиришлари учун укувчиларнинг имкониятларини хисобга олиб уларга шароитлар яратиб бериш учун укитувчини уз фаолиятига тугри йуналтириш;

**РЕЖА:**

1. Таълим мустакилликги ва шахс психологияси.

2.Аудитория билан ишлашнинг ижтимолий шартлари.

3.Фаол укитиш методлари ва уларни ташкил этиш.

4.Дарсда мунозара,Брейнштorминг ва тренингларни утказиш.

5.укув фаолиятини бошкаришда укитувчининг ташаббускорлиги.

6.Хулоса.

Мамлакатимиз истиклолининг энг дастлабки кунлариданок буюк маънавиятимиз ва кадриятларимизни тиклаш ва янада юксалтириш ,миллий таълим-тарбия тизимини шакллантириш,заминини мустахкамлаш,уни давр талаблари билан уйгунлаштириш асосида жахон андозалари даражасига кутариш ва хар бир педагог ходимнинг вазифасига айланди.

Республикада “Таълим туьрисида”ги Конун хамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида ишлай бошлаганимизга куп булгани йук.Авало,таълим тараккиётининг барча жабхоларда кузлаган бош максад-Республика таълимни усиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясининг миллий истиклол ьоялари,талабалри асосида ташкил этиш,кадам куяётган XXI аср таълимини тараккиёт,мавнавий-маданий карашлар рухида булишини энг мухими андозаларига жавоб бера оладиган даражада булишини таъминлашдир.

Аввалом бор,бу икки Конунни таълим муассасалари амалиётига татбик килиш максадида алохида истикбол дастури ишлаб чикилиб,Вазирлик хайъати йигилишида тасдикланди.Таълимга оид меёрий хужжатлар концепциялар,давлат таълим стандартлариталаблар укув ва дастурлари,низомлар ва бошка меъёрий хужжатлар юкоридаги икки конун моддаларга мувофиклаштирилади.Республикада узлуксиз таълим тизими узил-кесил шакллантирилади.

Кадрлар тайёрлаш соъасидаги давлат сиёсати инсонни интелектуал ва маънавий-авлокий жихатдан тарбиялаш билан узвий боглик булган узлуксиз таълим тизими оркали хар томонлама баркамол шахс-фукарони шакллантиришни назарда тутади.Шу тарзда фукоронинг энг асосий конституциявий хукукларидан бири-билим олиш,ижодий кобилиятини намоён этиш интелектуал жихатдан ривожланиш,касби буйича мехнат килиш хукуки руёбга чикарилади.Бунинг учун бизда имкониятлар жуда катта.Маълумки хар кандай педагогик жараённинг асосий максади-таълим олувчида билим,малака ва куникмалар хосил килишдир.Бу нарса маълумотлар хосил килишдир.Бу нарса маълумотлар алмашинуви оркали руй беради.Педагогик мулокат жараёнидаги маълумотлар олмашинуви асосан уч шаклда амалга оширилади.

-монолог

-диолог

-полилог

Монолог: маърузачи ёки укитувчининг укувчилар каршисига чикиб нутк сузлаши,дарсни баён этишдир.Бу ъолатда укитувчи маълумотларнинг асосий таянч манбаи ъисобланади ва факат ундагина фаоллик килинади.

Монолог эгаси узи мустакил тарзда маълумот мазмунини укувчиларга етказиш ва уз мавкеини таъкидлаш имкониятига эга булади.Лекин синф яъни укувчилар унга нисбатан анча пассив мавкеда буладилар ва бу нарса укувчиларда маълумотни факат кичик бир кисминигина идрок килиш ва эслаб колишга сабаб булади.Шунинг учун укитувчи синфини фаоллаштириш учун бошка усулларни излаб топиши,изланишига тугри келади.

Диолог-укув мавзуси ёки муаммони гурух шароитида укитувчи билан биргаликда ва хамкорликда мухокама килиш йулидир.Бу усул укувчини фаоллаштиради,синфда ижодий мухитда булиши ва фикрлар алмашиниувидан ъар бир укувчининг манфаатдорлигини таъминлайди.Яъни укувчилар укув жараёнининг объектидан унинг субоектига айланадилар.Диолог жараёнида укитувчи билан укувчилар уртасида фикрлар алмашинуви,билимларни узаро мухокама кила олиш учун реал шароит яратилади.Лекин диологни ташкил этишда укитувчи укувчиларнинг билим ва тасаввурларини хисобга

олиши зарур,акс ъолда узаро мулокат самарасиз ва мазмунсиз тортишувларга айланиб кетиши мумкин.

Полилог- гурух ичидаги мунозарадир. У укитувчиларни фаоллигини янада ошириш,улардаги ижодий кобилиятни ривожлантириш максадида ишлатилади.Полилог жараёнида гурух аъоларининг хар бири муъокама килинаётган масала юзасидан уз фикрини билдириш имкониятига эга булади.укитувчи эса укувчилар фаолиятига куп аралашавермайди,у кузатувчи,йул-йурик курсатувчи,маслахатчи вазифасини бажаради.

Ёшларимизни маънавий бакувват,билимли,мустакил ва ижодий фикрлай оладиган кишилар килиб тарбиялаш ишлари таълим сохаси кишилари олдига бир катор вазифалар куяди.

Укитиш ишларида агар укитувчи ижодкор ва изланувчан булса,укувчининг укув даражаси ъам баланд булади.Укитишда илгор усуллардан бири таълимнинг ноанъавий шакллари хисобланиб,улар таълим жараёнини фаоллаштиришга хизмат килади.Бу сохада бир катор тажриба-синов ишлари амалга оширилмокда.Кузатуишларимиздан шу нарса маълум буладики,дарс машгулотларидаги укувчиларга булган муносабат ва талабнинг бир хиллиги уларни шу дарсга нисбатан кизикишлари пасайиб кетишига сабаб булади.Шуларни ъисобга олиб,замон талабларидан келиб чикиб янги усулларини,янги турларини куллашга тугри келади.Бу дарслар “Аукцион дарс”,”Кургазма дарс”,”Конференция дарс”,”Тренинг дарс”,”Тест синов дарс” ва “Топоронлик дарс” кабилар.Бу дарсларда танкидий фикрлашгакатта эътибор берилади.Дарслар 3 боскичдан иборат булади.

1-боскич-чакирик

2-боскич-маънони англаш

3-боскич-фикралш

Танкидий фикралшга урганилаётган мавзуни чукур урганиш,мавзунинг ижобий ва салбий томонлари тавлил килиш,хар томонлама хал килиш,ъар кандай вазиятда уз фикрларини баён килиш,узига ишонч ъосил килиш, камчиликларини тан ола билиш ва уз вактида тузатишга катта эътибор берилади.Бу дарсларда укувчилар жойлашуви катта рол уйнайди.Буни куйидаги расмларда курамиз.

**Доска** 1-расм. Синф шароити. Бу анъанави й дарс утказиш шакли булиб,тингловчилар яъни укувчилар бир-бирларини узларини куриш имконияти чеклаган ва доска олдидаги болалар маъсулияти чекланган ва доска олдидаги болалар маъсулияти турлича.Бу шароитда бахс утказиш мумкин эмас,чунки синфда охирда утирган бола билан биринчи каторда боланинг дарсга муносабати кечкин фарк килади.

**1-расм.**

**Доска** **2-расм.** Укувчилар доира шаклидаги стол атрофида жойлашадилар ва уртага ташланган

мавзу юзасидан эркин фикр алмашиш,хаттоки

айрим ижтимоий ролларга ъам киришиш

имкониятига эга буладилар.Хатто бошловчи

ъам шу каторда утиради.Улар куп нарсаларини

2-расм мухокамалар натижасида урганиб оладилар.

**Доска.** 3-расм.Бу куриниш мунозара

дарсларга мулжалланган.Бунда

укувчи уз фикрини дадил айтиш

3-расм учун имкониятни хис килади.

Демак,дарс мабойнида укитувчи мавзунинг характери ва уни шакллантириш лозим булган,малака ва фазилатларга мос тарзда мунозара шароитини танлаши ва машгулотни бошлаши лозим.

Укитувчи томонидан бериладиган муайян максадга каратилган билимлар билан бойитилган булиб укувчини коникртирадиган даражада булиш лозим.

Ходисаларнинг мохиятини,тараккиёт Конунларини ва чукур ички богланишлари билиш,укувчиларда объектив борлигини билиб олишга,ундан узининг кундалик хаётида фойдаланишга ёрдам беради.Билимлар мазмунининг илмий булиши укувчиларнинг умумий,психологик усишига таъсир курсатади.

Бугунги кунда укувчилар билимига бир канча талаблар куйилади.

1.Укувчилар билими системали булиши.

2.Укувчилар билими тушунарли,маълум маънога эга булмоги лозим.

3.Укувчилар билими чукур ва хар томонлама булмоги лозим.

4.Укувчилар билими хаёт тажрибалари билан богланган булиши лозим.

Укиш жараёнида узлаштириш катта авамиятга эга.Билимлар,сезгилар,хотира,идрок,тафаккур каби психологик жараёнлар оркали узлаштирилади.Укув материалини узлаштириш,материални идрок килишдан бошланади.Бу эса кузатиш оркали амалга оширилади.Укувчилар куп нарсаларни укитувчини нуткини этишиб идрок киладилар.Хозирги замон таълим психологиясида кургазмалик катта рол уйнайди.Кургазмалилик предмети,тасвирий,техник ва суз курсатмалиликка ажратилади.Предметли кугазмалиликда табиий объектлардан теварак атрофдаги предметли ходисалардан фойдаланилади.Тасвирий кургазмалиликда расм,жадвал,макет,карта ва бошка маетаиаллардан фойдаланилади.Техник кургазмаликка турли хилдаги техник воситалардан телевидение,радио,видео аппаратлари,компюътер ва интернетлардан фойдаланиш киради.Мактабда энг куп кулланиладиган суз кургазмалилиги булиб,у укитувчининг нуткидир.Суз укувчининг эмоционал холатига таъсир килиши лозим.Таълимда кургазмали куролларни танлай билиш уларни дарсга тугри таксимлай олиш катта авамиятга эгадир.Укувчиларнинг билимларни узлаштириш хиссий билишдан бошланади.Фикрлаш фаолияти эса узлаштиришни яна ъам бойитиборади.Фикрлаш яъни тафаккур нутк билан боглик ъолда усиб боради.Билимларни узлаштиришда хулоса чикариш,таккослаш,умумлаштириш оркали фикр юритилади.Хозирги даврда фаол укитиш методлари ва улардан фойдаланиш катта

ахамиятга эгадир.Фаол укитиш методларига энг аввало бахс ва мунозара йули билан билим ва малакалар хосил килиш киради.Бахснинг самарали булиши энг аввало бахслашувчиларнинг бир-бирига нисбатан фазовий жойлашувига боглик.

Ъар бир ъолат бахс катнашувчиларда узига хос рухий тайёргарлик ва маъсулият виссини келтириб чикаради.Укувчилар доира шаклида стол атрофида жойлашадилар,уртага ташланган мавзу юзасидан эркин фикр алмшиниш имкониятига эга буладилар.Утиришда кетма-кетлик булса улар бир- бирларининг юзини кура олмайдилар,бахслашиш кийинлашади.Агар бахслашувчилар гурухи каттарок хажмда булса,бунда бахс гурухи шартли равишда 3 гурухга булинади.

Биринчи гурух-”фикрларни жамловчилар” генераторлар гурухи.

Иккинчиси-”Танкидчилар гурухи”

Учинчи гурух-”фикрларни тезлатувчилар” анализаторлар гурухи.

Хар бир гурухнинг узига хос функциялари бор генераторлар уртага ташланган муаммо ёки бахс мавзуси буйича узларидаги барча фикрларни уртага холис ташлайдилар.Гурух аъзоларидан бири-лидер фикрларни жамлаб баён килади.Сунгра уйинга “танкидчилар” киришади.Уларнинг вазифаси-эшитган фикрларига танкидий муносабат билдириш уларнинг магазини ва пучак фикрларни саралаш.Навбат катализаторларга генераторларга бериб борилаверади.Бошловчи уларнинг орасида утиради.

Шунингдек дарсда мунозара брейншторминг ва тренинглар утказиш хам катта ахамиятга эга.Тугри ташкил этилган брейнштормингнинг амалий афзаллиги куп.Факат бунда куйидагиларга риоя килиш керак.

1.Жумлалар жуда киска,асосланиши шарт эмас.

2.Ъар кандай жумла ёки фикр танкид килиниши мумкин эмас яъни фикрлар танкиддан холи.

3.Мантикий фикрлардан кура фантастик ёки куккисдан,тасодифан мияда пайдо булган фикр мухимрок.

4.Фикр ёки билдирилган киска мулохаза кайд этилади.

5.Билдирилган фикр ёки гоялар у ёки бу иштирокчиники деб ажратилмайди яъни улар муаллифсиздир.

6.Фикр ёки яхши гояларни танлаш гурухнинг норасмий лидерлари томонидан амалга оширилади.

Бахс иштирокчилари хаяжонланмасликлари узларини йукотиб куймасликлари учун узларини эркин тутишлари учун психогимнастик машклар утказилади.Укувчилар гурух аъзолари билан саломлашиши,гаплашиши мумкин.Булар тренинглар деб айтилади.Бунинг учун укувчиларга саволлар мавзулар олдиндан берилиши мумкин.Укувчиларнинг фан асосларини эгаллаши педагогик психологик факторларга боьликдир.

Биринчиси диккат билан боглик булган фаолият укувчиларнинг диккати укув ишига жиддий каратилгандагина укув материалларини тула англаб ва мустахкам узлаштириб олинади.Шу билан бирга ана шу узлаштириш жараёнида диккатнинг узи ъам усиб баркарорлашиб боради.Таълимнинг активлаштирувчи турли методларидан ва укувчиларнинг диккатини аклий фаолиятга карата оладиган усуллардан усталик билан фойдаланганда укувчиларнинг баркарор диккатини саклаб туриш мумкин.Укитувчиларнинг дарс жараёнида куллайдиган усуллари укувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига мос келиши лозим.Укишни узлаштириш кизикишга

боглив.Укувчи кизикиши учун яхши тушиниши керак.Шунингдек узлаштиришда хотира вам катта аъамиятга эга.Бунда мазмун такрорлаш катта рол уйнай ди.Билимларни узлаштириш жараёнида укувчиларда илмий тушунчаларгина эмас куникма ва малакалар хам хосил килинади.Куникма турли йуллар билан хосил килинади баъзи куникма таклид килиш йули билан баъзи харакатларини синаб ва бажариб куриш оркали.

Таълимдаги малака машк килиш натижасида эгаллаган автоматлаштирилган укиш харакатидир.Таълим жараёни тугри бошкаришни талаб килади.Бошкариш 3 турда амалга оширилади:

1.Авторитар бошкариш

2.Анархиклик бошкариш

3.Демократик бошкариш.

Укув фаолиятида авторитар бошкарувчилар уз кул остидагилар фаолиятига жавоб беради хамма мавжуд ахборотларни узи оркали утказишга харакат килади.Актив фаолият олиб бориб укувчиларни уз оркасидан эргаштирадилар ва активлаштирадилар.Анархиклик бошкарувчилар ишда фаоллик курсатмайдилар факат ахборот манбаи булиб хизмат киладилар улар ташкаридан курсатиладиган таъсирга мойил буладилар.

Демократик бошкаришлар уз фаолиятини укувчилар жамоасига суянган ъолда олиб борадилар.Фаолият учун жавобгарликни укувчилар орасида таксимлайдилар жамоа аъзолари фикрларига кулок соладилар,яхшиларни рагбатлантирадилар.Лекин бугунги бизни укувчиларимиз демократик рахбарликка тайёрми?,уни кутара оладиларми, йук албатта бугунги укувчилар назорат ва эътиборни яхши курадилар,назоратни сал сусайтирсанг турли номаъкул ишларга кул урадилар.Шунинг учун хозирча авторитар бошкаришни яхши йулга куяйлик.Бунинг учун укитувчи чаккон укувчилар жамоасини узига буй сундира оладиган ташаббускор булиши лозим.

Мавзу юзасидан таянч сузлар: аудитория,фаол укитиш,мунозара,брейнштorминг,тренинг,монолог,диалог,полилог.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1.И.А.Каримов “Узбекистон XXI асрга интилмокда” Т-1999 йил.

2.Андреева Г.М. “Социалънаая психология” Учебник-М 1999й

3.Каримова В.М. “Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт” Т-1999й

4.Каримова В.М. “Аудиторияда бахс-мунозарали дарсларни ташкил этишнинг психологик техникаси” Т--2000й.

5.В.М.Каримова,Ф.А.Акрамова “Психология” (маърузалар матни)

6.Немов Р.С. “психология “ -Кн.1-Москва-1998г

7.Каримова В.М “Ижтимоий психология” Тошкент-1994й

8. И.А.Каримов “Баркамол авлод-Узбекистон тараккиётнинг пойдевори”-Т-1999й


**Мавзу юзасидан тестлар:**

1. Педагогик мулокат жараёнидаги маълумотлар алмашинуви нималар оркали амалга оширилади.

А)Монолог,диолог,полилог

Б)Диккат,хотира,нутк

В)Узаро муносабат,фикрлаш.

Г)Тафаккур,диккат,хотира

Д)Нутк,монолог,хотира.

2.Таълим жараёнида бошкаришнинг кандай турлари мавжуд.

А)Ижтимоий,иктисодий

Б)Автоматлашган систамалаштирилган

В)Авторигар,анархиклик,демоакратик.

Г)Маънавий,марифий

Д)Демократик,автоматлашган,ижтимоий.

3.Бола шахсини шаклланишида кайси омиллар етакчи рол уйнайди.

А)Табиий омиллар

Б)биологик

В)Ижтимоий

Г) Иктисодий

Д)Хукукий

4.Таълим жараёнида узлаштирмовчи укувчига жазо куллаш мумкинми?

А) Ха

Б)Йук

В)Шарт-шароитга караб

5. Качон таълим укувчининг аклий ривожланишига самарали таъсир утказа олади?

А) Таълим тугри ташкил килинганда

Б)Дарс максадга каратилганда

В)Якка тартибда укувчи билан ишлаганда

Г)Ноанъанавий дарсда

Д)Укувчи кизикканда.

6. Таълимнинг мувоффакияти нималарга боглик?

А)мактабнинг моддий материал базасига

Б)Дарс мазмунига,укувчининг кобилиятига

В)Таълим мазмунига,укитувчининг махоратига

Г)Укувчининг кизикишига.

Д)Хаммаси тугри

7.Дарсда фикр алмашиш кандай шаклда амалга ошади.

А)Нутк оркали

Б)Савол жавоб шаклида

В)Мунозарага киришиш оркали

Г)Муомала оркали

Д)Текширув оркали.

8.Замонавий укитувчининг психограммаси нима?

А)Замонавий укитувчиниг психологик хусусиятлари йигиндиси.

Б)Укитувчининг психик касалликлари шахсий варакаси

В)Диагностик маълумотлар

Г)Укитувчи тугрисидаги маълумотлар.

Д)Ъаммаси туьри.